



Проект

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари**  
**тўғрисида**  
**VQL-2809/22-3**

Солиқ тўловчиларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш тизимини янада соддалаштириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳисоб маълумотлари ишончилигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси негизида юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базаси ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Давлат персоналлаштириш марказининг:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган барча шахсларга фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш жараёнида;

хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш жараёнида уларни бир вақтнинг ўзида солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ва Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда икки ой муддатда жисмоний шахсларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш бўйича ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

4. Юридик шахснинг раҳбар ва (ёки) ҳисобчи маълумотлари ўзгарганда, юридик шахснинг мансабдор шахсига бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ органларини хабардор қилиш мажбурияти юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой

муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Қудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ “\_\_\_\_\_” даги  
\_\_\_\_\_ -сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий химоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 12-банди “б” кичик банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“алоҳида заруратга кўра (юбилей саналарида, ходимлар 50, 55 ва 60 ёшга тўлганда, бахтсиз ҳодиса, оғир касаллиги сабабли даволаниш, соғлиғини тиклаш, оиланинг кам таъминланганлиги ва молиявий ҳолатининг оғирлиги) лавозим маошининг уч баробари миқдоригача моддий ёрдам ёки Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг эллик фоизи миқдорига 1 йил муддатга БХМ 200 бараваридан ошмайдиган миқдорда қарз бериш;”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорининг 2-илловаси билан тасдиқланган Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 59<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“59<sup>1</sup>. Акциядор (мулкдор, иштирокчи, муассис) юридик шахс фойдасига ўз улушининг (улуши бир қисмининг) қийматини олишдан воз кечиш натижасида устав фонди (устав капитали) камайиши муносабати билан олган даромадлар ёки юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) ҳиссалар ҳисобига қўпайтирилганда солиқ солиш объекти сифатида бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон қарорида:

а) 2-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ тўловчиларга шахсий ҳисобварақлардан кўчирмаларни ва солиштирма далолатномани тақдим этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламенти 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламенти 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.”;

б) қуйидаги мазмундаги 7-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 2 апрелдаги  
150-сон қарорига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчининг идентификация рақамини (кейинги ўринларда – идентификация рақами) бериш ва уни қўллаш тартибини белгилайди.

2. Солиқ тўловчиларга идентификация рақамларини бериш қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрини шакллантириш;

солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солиш;

ҳисобланган ҳамда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммалари, шунингдек пенялар ва жарималарнинг ҳисобини юритиш;

солиқ органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, банк муассасалари ва молиявий тусдаги, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулк бўйича операцияларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ўртасида ахборот алмашишда ягона идентификатордан фойдаланиш;

қонунчиликда белгиланган ўз вазифалари ва функцияларини бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида юридик шахсларга нисбатан ахборотлар алмашишни унификация қилиш.

3. Ҳисобга олишда ҳар бир солиқ тўловчига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ягона бўлган идентификация рақами берилди ва у ўзгартирилмайди.

4. Идентификация рақами бир марта берилди ва юридик шахс тугатилгандан кейин фойдаланиш чекланади.

Тугатилган юридик шахснинг идентификация рақами бошқа солиқ тўловчига такроран берилмайди.

5. Идентификация рақами берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

6. Жисмоний шахсларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами орқали амалга оширилади.

Бунда, жисмоний шахсларга ваколатли орган томонидан берилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳисобланади.

**2-боб. Идентификация рақамининг тузилиши**

7. Идентификация рақами тўққизта рақамли белгидан иборатдир, дастлабки 8 рақам солиқ тўловчининг ўз рақами, охириги рақам эса назорат сонини ташкил этади.

Идентификация рақами тузилиши қуйидагича кўринишга эга бўлади:



Ушбу мақсадларда 20000000Xдан 39999999Xгача бўлган кодлардан фойдаланилиши керак.

Бунда X-солиқ тўловчининг идентификация рақами сонлари изчиллиги тўғрилигини назорат қилувчи сон, ушбу сон Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида компьютер томонидан солиқ тўловчига идентификация рақами бериш жараёнида муайян алгоритм бўйича шакллантирилади.

Зарурат бўлганда, кодлаштириш тизими имкониятларини кенгайтириш мақсадида қуйидаги кодлар захира қилинган:

00000000Xдан 19999999Xгача;

70000000Xдан 99999999Xгача.

8. Кодлаштиришнинг мазкур тузилиши ўзгармас ва универсал ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва уларни қўллаш тизимида фойдаланиши керак.

### **3-боб. Идентификация рақамини бериш**

9. Идентификация рақами:

нодавлат нотижорат ташкилотларга адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида;

банклар, кредит бюрolari ва чет эл банкларининг ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш (аккредитация қилиш) жараёнида;

дипломатик ваколатхоналар, хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтказиш жараёнида;

хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида аккредитациядан ўтказиш жараёнида;

бошқа юридик шахсларга Давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида;

чет эл юридик шахсларининг доимий муассасаларини ҳамда алоҳида бўлинмаларини, Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) ҳамда жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этиладиган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатувчи чет эл юридик шахсларига

давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилади.

10. Идентификация рақами аниқ вақт режимида, янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга, шунингдек хорижий юридик шахсларни тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтказишда ёки солиқ мажбуриятлари пайдо бўлганда ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказишда (ҳисобга олишда) берилади.

11. Идентификация рақами ушбу Регламентга иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

12. Идентификация рақамини шакллантириш бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юборилган сўровлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизимларида махсус текширувдан ўтказилади.

Маълумотларни махсус текширувдан ўтказиш шартлари рўйхатдан ўтказувчи орган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўртасида имзоланадиган маълумот алмашиш бўйича техник ҳужжатлар билан белгиланади.

Идентификация рақамини шакллантириш бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юборилган сўровга асосан маълумотларда хатолик аниқланса, реал вақт режимида хатолик сабаби кўрсатилган ҳолда жавоб ахборот тизимлари орқали рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

13. Солиқ тўловчи Солиқ кодексининг 127-моддасида кўрсатилган ҳужжатларга ўзининг идентификация рақамини аниқ ва равшан қўйиши шарт.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар Солиқ кодексининг 127-моддасида кўрсатилган ҳужжатларда идентификация рақамини аниқ ва тушунарли қилиб қайд этишлари шарт.

14. Солиқ тўловчининг Солиқ кодексининг 127-моддасида кўрсатилган барча ҳужжатларда идентификация рақамини нотўғри ёки ноаниқ кўрсатиши ҳисобга олиш ҳужжатларини бузиб кўрсатишга тенглаштирилади.

15. Ушбу Регламент талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасида солиқ  
тўловчининг идентификация  
рақамини бериш ва уни қўллаш  
тартиби тўғрисидаги маъмурий  
регламентга илова

#### **Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш**

##### **СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|------------|----------------|-----------|
|           |            |                |           |

|          |  |  |   |
|----------|--|--|---|
| 1-босқич | Солиқ тўловчининг вакили   | Рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи (ҳисобга олувчи) органга ариза беради.   | Мурожаат қилинганда                             |
| 2-босқич | Рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи орган<br>Давлат солиқ хизмати органи | 1. Солиқ тўловчининг вакили томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ тўловчини рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказиб, маълумотларни ахборот тизимига киритади ва идентификация рақамини бериш бўйича сўров юборади.<br>2. Аризада келтирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади.  | Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда |
| 3-босқич | Давлат солиқ қўмитаси  | 1. Ахборот тизими орқали рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи органдан келган маълумотларни махсус текширувдан ўтказди.<br>2. Маълумотлар тўлиқ ва тўғри бўлса, идентификация рақамини шакллантириб ахборот тизими орқали рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи органга юборади.<br>3. Маълумотларда хатолик аниқланса, идентификация рақами шаклланмайди ва хатолик сабаби кўрсатилиб ахборот тизими орқали рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи органга қайтарилди.<br>4. Чет эл юридик шахсларини ҳисобга олишда солиқ тўловчининг вакилига идентификация рақами берилганлиги бўйича гувоҳномани тақдим этади ёки электрон почта манзилига юборади. | Реал вақт режимида                              |
| 4-босқич | Рўйхатдан (аккредитациядан) ўтказувчи орган                                | Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайтарилган хатолик бартараф қилинади ва идентификация рақамини бериш бўйича қайта сўров юборади.  | Хатолик аниқланганда                            |

”.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил \_\_\_\_\_ “\_\_\_\_\_” даги  
\_\_\_\_\_ -сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғрисида” 1997 йил 11 мартдаги 130-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 10-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўллаш соҳасини кенгайтириш тўғрисида” 1999 йил 7 январдаги 7-сон қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорига 4-илованинг 2-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 13 октябрдаги 823-сон қарорининг 6-банди ва 3-иловаси.
5. “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.
6. “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 21-банди.